

Ғийбатнинг тақсимлари (4-қисм)



19:36 / 19.01.2018 3963

Тўртинчи тақсим

4. Одатлар ғийбати. Одатларни ғийбат қилишга фалончи ниҳоятда заиф, кўп ухлайди, кўп ейди, бирор ишни эплотмайди, ўтириш одобини билмайди, оқибатни ўйламайди, хотинлар билан маслаҳатлашади, ҳамиша хотинларга эргашади ва ҳоказо гапларни айтиш киради.

Ҳикоя. Араблар сафарда бир-бирига хизмат қилардилар. Бир сафар бир киши Абу Бакр билан Умар розияллоҳу анҳумога ҳамроҳ бўлиб, уларга хизмат қилди. Бир жойга етганда иккови ухлаб қолишди. Уйғонишса, бояги ҳамроҳ таом тайёрламай, ухлаб ётган экан. Шунда бирлари иккинчиларига: «Бу одам уйқучи экан», деди. Сўнг уни уйғотиб: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ёнларига бор, Абу Бакр ва Умар сизга салом айтдилар ва сиздан ейишга бирор нарса сўраяптилар, деб айт», дедилар. Ҳалиги киши келиб, гапни етказгач, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Сен ҳам уларга саломимни етказгин-да, сизлар таомланиб бўлибсизлар, деб айтгин», дедилар. У Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг гапларини уларга етказган эди, улар кўрқиб кетиб, у зотнинг ҳузурларига келишди. «Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан таом сўраб одам жўнатсак, улар таомланиб бўлишди дебсиз, биз нима билан таомландик?» деб сўрадилар. Шунда у зот: «Сизлар биродарингизнинг гўшти билан таомландингиз. Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, мен унинг гўштини тишларингиз орасида кўрмоқдаман»,

дедилар. Буни эшитиб, иккови у зотга: «Аллоҳга дуо қилинг, бизни мағфират қилсин», дейишди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Аллоҳнинг кечиримини сизлар учун у сўрасин, яъни сизлар аввал ўша одамдан кечирим сўранглар. Кейин у Аллоҳдан сизнинг гуноҳингизни кечирिशини сўраб дуо қилсин», деб марҳамат қилдилар.^[1]

Ҳикоя. Саҳобалар мажлисдан туриб кетган бир киши ҳақида: «Бу одам бунчаям заиф бўлмаса», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар ғийбат қилиб, биродарингизнинг гўштини едингиз», дедилар.^[2] Бу ҳикоя иншааллоҳ, ғийбатнинг жазоси баёнида муфассал ёритилади.

Ҳикоя. Саҳобалар бир кишини зикр қилиб: «Биров унга овқат бермагунча (ўзи топиб) емайди, мингани улов бермаса, (ўзи топиб) минмайди», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Сизлар уни ғийбат қилдингиз**», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз унда бор айбни айтдик, холос», дедилар. У зот алайҳиссалом: «(Гапирилган гап ғийбат бўлиши учун) **биродарингни унда бор нарса билан эслашингнинг ўзи кифоя қилади**», деб марҳамат қилдилар.^[3]

Ҳикоя. Бир улуғ дарвеш гўдак билан ҳазиллашди. Бундан хабар топган одамлар дарвешга таъна қилишди. Дарвеш эса: «Одамларга ҳайронман, ҳазил улар наздида ҳаром-у, ғийбат қилиш ҳалол экан», деди (бу ҳикоя тўртинчи бобда муфассал келтирилади, иншааллоҳ).

Ҳикоя. Бир куни Салмон Форсий розияллоҳу анҳу овқатланиб бўлгач, хуррак отиб ухладилар. Икки кимса у кишининг овқатланишлари ва ухлашлари ҳақида гапириб, ғийбат қилди. Шунда Аллоҳ таоло: «**Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин**» оятини нозил қилди. Ғийбатнинг ҳаромлиги мана шу оят билан собит бўлди.^[4]

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

^[1] Зиё Мақдисий, «Ал-Аҳодисул мухтора», 1697-ҳадис.

^[2] Абдулазим Мунзирий, «Ат-Тарғиб ват-тарҳиб», 4289-ҳадис.

[3] Абдулазим Мунзирий, «Ат-Тарғиб ват-тарҳиб», 4290-ҳадис.

[4] Суютий, «Ад-Дуррул мансур».